


НАВРУЗ МУБОРАК БҮЛСИН!

ILM OLMOQQA INTILISH - HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

ZIYO CHASHMASI



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI



* * * № 4 (183) * * * 2010 YIL, АПРЕЛЬ * * *

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

БАҲОР БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИ

Вилоятимиз аҳли билан биргалиқда институтимиз жамоаси умумхалқ байрами – Наврӯзни зўр шоду хуррамлик билан нишонлади



Наврӯз келди. Табиат уйғонди. Уйғониш, яшариш, боқий байрамимиз – Наврӯздан дарак. Неча минг йиллардан буён у инсон қалбига олам-олам қувонч ва шодликлар улашиб келади. Наврӯз маънавиятимизнинг узвий қисмига айланиб энг қадими, асл миллий байрам сифатида азиз ва мўътабардир.

Мұхтарам Юртбошимиз Ислом Каримов Наврӯзга бағишиланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида тарихий қадриятларимизнинг энг бебаҳо дурдоналаридан бўлмиш Наврӯз ҳақида шундай дедилар: “Наврӯзи оламнинг умуминсоний цивилизация ривожига қўшган буюк ҳиссасини инобатга олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шу йилдан бошлаб бу айёми Халқаро Наврӯз куни деб тан олгани албатта бежиз эмас ва бу барчамизга катта фурур ва ифтихор бағишлиайди”.

Дарҳақиқат, Наврӯзи олам завқи, шукуҳи бутун оламга ёйилмоқда, янгича мазмун касб этмоқда.

17 марта куни вилоятимиз маркази Жizzax шаҳрининг “Мустақиллик” майдонида бошланган тантаналар шаҳrimizning барча гўшаларида давом этди.

“Ёшлар шаҳарчаси”да байрам шукуҳи ўзгача бўлди.

Суратларда: 1. Вилоятимиз ҳокими ва фахрийларимиз Наврӯз байрами тадбирларида.

2. Талабаларнинг чиқиши.

Т. ТУРДИЕВ фотолари.

ТАЛАБАЛАР ШАНБАЛИГИ

Бу йил ҳам баҳор юртимизга ўзгача файз ва тароват билан кириб келди. Юртимизнинг кайси бир гўшаисига борманг, қайси бир маҳаллага, қайси бир хонадонга кирманг баҳорий жўшикликнинг гувоҳи бўласиз.

Март ойида институтимизда умумхалқ шанбаликлири ўюшқокли билан ўтди. Ҳашардад профессор-ўқитувчilar ва талабалардан 5434 киши қатнаши. Уларнинг кучи билан 25 гектар майдон тозаланди, 35 тонна маший ва курилиш чиқиндilari чиқариб ташланди, 16 километр ариқ ва лотоклар тозаланиб 5200 туп дараҳтларга

шакл берилди.

Баркамол авлод йилининг Наврӯз байрами арафасида эхтиёжманд оиласларга муруват кўрсатилди. Кам таъминланган, ёрдамга мухтоҷ 22 та оиласага 1800000 сўмлик маблағ ажратилди.

Байрам тантаналари институтимизда кўнгилдагидек ўтди. Аммо талаба-ёшларимиз ободончилик ишларини йил бўйи давом этиришга карор қилгандар.

Мавлонбек ДОНИЁРОВ,
Бошлангич таълим ва спорт
тарбиявий иш йўналиши талабаси.

ТАЛАБАГА ҲОМИЙЛИК

Умумхалқ шанбаликлири арафасида «Жizzaxdonmaҳsулот» АЖ раиси Акмал Сатторов ташабуси билан педагогика факультети 2-босқич талабаси Оқила Сатторовага ҳомийлик ёрдами ўюстирилди. Кам таъминланган оила сифатида талаба контракт шартнома тўлови учун 875000 сўм маблағ ўтказилди.

Г. АХМАДОВА,
«Зиё чашмаси» мухбири.

ИНСТИТУТ ЖАМОАСИГА БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ

23 марта куни Институтимиз профессор-ўқитувчилари, ишчи-хизматчилири учун Наврӯз умумхалқ байрами муносабати билан зиёфат ўюстирилди.

Тадбирни институт ректори, профессор О.Дўсматов очиб, йигилганларни баҳор байрами – Наврӯзи олам билан муборак бод этди. Ишда алоҳида ўрнак курсатган профессор-ўқитувчilar, жамоанинг фаол ходимларири институтнинг Фахрий ёрликлари тантанали суратда топширилди. Дастурхонга баҳорий таомлар ва ош сузилди, байрам табриклари ва санъанкорларнинг бадий чиқишлиари томоша қилинди.

Вилоятимизнинг Наврӯз байрамида институтимизнинг факультетлари жамоалари “Ёшлар шаҳарчаси”нинг кириш қисмida ўз кўргазмалари билан иштирок этган эдилар. Ҳакамлар хуосаларига кўра педагогика-психология, мактабгача таълим ва болалар спорти, мусикий таълим, дефектология бўлими биринчи ўриннинг эгаллади. Иккинчи ўрин тарих ва ўзбек филологияси факультети жамоалари, учинчى ўрин физика-математика факультети ва каబ таълими бўлимига насиб қилди. “Энг фаол жамоа” номинацияси бўйича жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети талабалари совриндор бўлдилар.

Голиблар эълон қилиниб, тантанали суратда эсадалик совғалари топширилди.

Ф.ҚЎШНАЗАРОВ.

КАСАБА УЮШМАСИ ҲИСОБОТИ

25 марта куни институт касаба ўюшма ташкилотининг V ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Институт касаба ўюшмаси кўмитасининг 2005-2010 йилларда олиб борган фаолияти тўғрисида кўмита раиси в.б. К.Исаев маъруза қилди. Шунингдек тафтиш комиссияси раиси Ш.Дониёровнинг ҳисоботи хам тингланди.

Музокараларда институт илмий ишлар проректори вазифасини бажарувчи F.Кодиров, институт хотин-қизлар кенгаси раиси З.Абдувалиева, педагогика факультети “Бошлангич таълим ва уни ўқитиш услубияти” кафедраси доценти Н.Усмонов, ўзбек филологияси факультети касаба ўюшма кўмитаси раиси Л.Ибрагимова, физика-математика факультети З-курс талабаси Ж.Исокобилов, таълим ва фан ходимлари касаба ўюшмаси Жizzax вилояти кенгаси раиси Я.Рустамов сўзга чиқидар.

Касаба ўюшмасининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб топилди.

Конференцияда институт касаба ўюшма кўмитаси ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби сийланди. Жizzax вилояти таълим ва фан ходимлари касаба ўюшмаси кенгаси ҳисобот-сайлов конференцияси делегатлар ҳам сийланди. К.И.Исаев институт касаба ўюшма кўмитасининг раиси этиб сийланди.

Наврӯз - қалблардаги қувонч тошқини

НАВРӔЗ ТАРИХИДАН

Бутун Олд ва Ўрта Осиёда машхур Наврӯз байрами ва маросимлари жуда узоқ даврлардан бери нишонланиб келмокда. Бу байрам асли қадими дәхқончилик календары билан боғлиқ бўлиб, Ернинг шимолий ярим шаридаги бахорги кечак билан кундуз тенг келган кунлари – 20-21 марта бошланади. Ўша даврда бутун

табият ўйғона бошлайди, ер бағридаги барча маҳлукот ва мавжудотларнинг, курт-кумурскалар, ўсимлик ва ўт-ўланларнинг жонланиши рўй беради. Бундай янгиланиши жараёнининг бошланиши шамсия (Куёш) яили хисобида 21 марта тўғри келган ва биринчи янги кунни Наврӯз деб атаганлар.

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙДАН

Ўрта асрнинг буюк муғафакири Беруний мазкур йил ҳисобининг бошланиши ойи ҳисобланган фарвардин ойи тўғрисида гапириб бундай деб ёзади: "Наврӯз янги йилнинг биринчи куни бўлиб, унинг форсча номи ҳам шу маънони тақозо этади. Наврӯз эронликлар зижлари бўйича ўтмиш замонларда, улар йилларини кабисам қилган вақтларида Куёшнинг саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у оркага сурингач баҳорда келадиган бўлди. Энди у баҳор ёмғирининг биринчи томчисини тўкишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашибдан мевалари етилгунча, ҳайвонларда шаҳват қўзгалишидан то насл вужудга келгунча ва ўсимлик униб чика бошлагунча давом этган вақтда келади. Шунинг

учун Наврӯз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган". Берунийнинг таърифича, афсунгарлар Наврӯз куни тонг отганда бирор гап гапиришдан олдин уч қошиқ асал ялаб, уч бўлак (хушбўй) мум тутатса, бу кўп касалликларга шифо бўлармиш. Ёки шу куннинг тонгидаги гап гапиришдан олдин шакар тортиб, ўзига зайдун (ёғи) суртган кишидан йил бўйи турили балолар даф этилади, деган иримлар бўлган. Байрам урф-одатлари ҳақида сўзлаб аллома шундай деб ёзади: "Эронликларда Наврӯз куни бир-бирларига шакар ҳадя қилиш расм бўлган эди. Бағдод мубоди Озорбоднинг ҳикоя қилишича, бунинг сабаби, Наврӯз куни Жамшид мамлакатида шакарқамиш пайдо бўлган...".

МАҲМУД ҚОШГАРИЙДАН

Маҳмуд Қошғарий ҳам Наврӯз тўғрисида ўн иккى мучал йил ҳисоби билан боғлаб турли маълумотлар беради. Наврӯз байрамида баҳорга бағишлиланган халқ қўшиқларидан намуналарни келтиради. Ривоят-

лардан бирида Наврӯзга бориб тақаладиган мучал ҳисобидан ҳайвонлар номларини тилга олиб шундай деб ёзади: "Турклар бу йилларнинг ҳар қайсисида бирор ҳикмат бор, деб тахминлайдилар".

Одамзод улуғлиги — билимдан. У ақл-идроқи туфайли ҳар қандай муаммони ечишга қодирдир. Ақл-идроқи ва билими бор ҳар қандай одам ҳурматга сазовор бўлади. Илм эгалари элда азиз бўлиб, ҳурмат қозонади. Жамиятни бошқариш ўкув ва идрок билан амалга оширилади.

Илм инсон учун ғоятда олий ва муқаддас бир фазилатdir.

Илм деб ҳар бир соҳани билиш учун ўқиш, изланиш ва ёзиш орқали мақсадга эришиш тушунилади. Илм зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қиласди. Зероки инсон илм олиш билан юксак шараф ва олий мартабага эришишини англаса таълим олиш ва илм бериши ўйлидан боришига, шаръ- одоб билан хулқланишга янада кўпроқ ҳаракат қиласди. Шу билан инсоннинг билими ва мартабаси ҳиёда бўлаверади, қадри ортади, одамлар ҳам ундан манфаат кўрадилар.

Оллоҳ таоло олимларнинг фазилати, мартабаси ва қадри ҳақида бундай дейди: "Айтинг, биладиган зотлар билан, билмайдиган зотлар баробар бўлурми? Дарҳакиқат ақл эгаларигина панд-насиҳат олурлар" (Зумар-9)

Илмнинг фазилатларини айниқса талаба-ёшларимиз яхши англаб етишлари лозим.

Талаба доимо мutoала қилиш, шарҳлаш, баҳс-мунозара ва ёзиш билан машгул бўлиши лозим. Кимда илм бўлса ундан фойдаланишга ҳаракат қилиш лозим бўлади. Илмни тақрорлаб, мутолаа қилиб, саноқсиз кечаларни бедор ўтказиш билан мақсадга эришилади.

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

ИЛМ - ИЙМОН ЧИРОГИ

Хубайб Ибн Убайд Раҳбий (р.а.) айтадилар: "Илмни ўрганинглар, ёд олинглар ва ундан фойдаланинглар, уни зийнатланиш мақсадида ўрганманглар. Ҳали умрингиз ўзун бўлса одамлар ҳудди кийим билан безанганидек илм билан безанишларини қўрасиз".

Илм олиш йўлида сабрли бўлиш энг яхши фазилатdir. Дехқон сабр билан экинни парвариш қилмаса, ҳосилни йиғиб-териб ололмаганидек, талаба ҳам дарс машаққатларига сабр қилмаса, илмни эгаллай олмайди. Илм орзу қилинадиган юксак ғоядир. Ким илм талабида сабрли бўлса, мақсадига етади.

Талаба илм, таҳсил олиш чоғида оладиган лаззат ва роҳат уни сабрга ундейдиган кучли сабаблардан бириди.

И мом Мовардий айтадилар: "Илм ҳар бир лаззат ўрнини босувчи, ҳар қандай шаҳвадан беҳожат қилгувчи, ким илм билан ёлғиз қолса, кимсасизликдан зерикмайди, ким китоблардан тасалли топса, овунчоқсиз қолмайди: Илм каби ҳамсұҳбат, ҳалимлик (юмшоқлик) каби ёрдамчи йўқдир".

Улуғлар айтишган: Ким таълим олиш кийинчиликларига сабр қилмаса, умри кийинчиликда ўтади, Ким илм машаққатларига сабр қилса, мақсадига эришиади.

Инсон илм оламига кириши билан ям-яшил майсазорни кўради, у ерда яйрайди,

УМАР ХАЙЁМДАН

Беруний асарларида, Умар Хайёмнинг "Наврӯзнома"сида ва бошқа манбаларда илк баҳор байрамини нишонлаганда ерга сув қўйиш ёки сепиш, совға-саломлар ҳадя қилиш, аргимчоқларда учиш, ширинлик (қандолат) тарқатиш, етти йил ҳосилини белгилаш, таҳорат қилиш ва ёмғир сувига чўмилиш каби урф-одат ва иримлар тўғрисида хабар берилади. Наврӯз куни подшоҳ дастурхонига турлича дондан-буғдой, арпа, тарик, макка, нўхат, ясмиқ, гуруч, кунжут ёки ловия ундан пиширилган нон қўйилган. Дастурхон ўтасига турли дарахт (тол, зайдун, бехи, анор ва ҳ.к.)лардан етти новда, етти оқ коса ва оқ дирхам, янги динор ҳам қўйилган. Подшога оқ қанд ва кокос

ёнғоғи билан маҳсус таом бергандар, у таомни янги соғилган сутга ҳурмо солиб истеъмол қилган. Ҳозиргача Эронда Наврӯз дастурхонига маросимга биноан етти хил (хафтсон) "с" ҳарфи билан бошланадиган нарсалар тортилган. Шу билан бирга қатиқ, сут, курт ва бўялган тухум, мева, ёнғоқ, бодом ва ҳоказолар кўйилади. Шуниси мухимки, байрамнинг бош маросим таоми сумалакни ҳам илгари пиширганлар. Қадими даврларда Наврӯз арафасидаги етти кун совук бўлиб "ожиз кампир" кунлари деб номланган. Ўрта Осиё ҳалқларида, шу жумладан ўзбекларда, янги йил маросим таомидан етти дон ундан гўжа ва сумалак пиширилади.

«ШОХМОЙЛАР» МАРОСИМИ ҲАҚИДА

Дехқончилик касбига оид энг муҳим маросимлардан бири далага қўш чиқариш билан боғлиқ "шоҳмойлар" маросими алоҳида кувонч ва тантана билан нишонланади. Одатда далага қўш чиқариш кунини қишлоқдаги тажрибали дехқон (օқсоқол) белгилаб берган. Шоҳмойлар маросими душанба, ҷоршанба ва жума кунлардан бирига тўғри келиши лозим бўлган, чунки бу кунлар дехқонлар тасаввурнида баҳт, омад келтириладиган кунлар ҳисобланган. Асосан қўш чиқариш Наврӯз кунлари бошланган, аммо ерлар пишиб етишса, об-ҳавога қараб Наврӯзга қадар ҳам ўтказилган.

Шоҳмойлар тантаналарига тўқ-фаровон жойларда қишлоқнинг барча аҳли тайёр гарлик кўрган: ҳар бир хонадон турли таомлар пиширилган, нону қатлама, патирлар ёпилган, бўғирсок ва пўссиқлар пиширилган. Маросим ўтказиладиган жой супирилиб-сидирилиб, шолча, кигизу гиламлар тўшалиб, дастурхонлар ёйилган, унга тайёрланган таомлар тортилган. Қишлоқ аҳли тўплангач оқсоқол яхши тилаклар билан дуо-фотиха қилиб, пиширилган нарсалар аҳоли орасида тарқатил-

ган. Шундан сўнг қўш чиқариш учун маҳсус боқилиб турган ҳўқизлардан бири олиб чиқилган ва ўтган йилги ҳосилнинг охири тутишидан тайёрланган кулча қишлоқнинг барча мўтабар қариялари ва бошқа иштирокчиларига бир парчадан синдириб берилади. Кулчанинг бир бўлгаги танлаб олинган ҳўқизга ҳам берилади. Ниҳоят, кўз тегмасин деб ҳўқизларнинг шохига зигир ёғи суртилади, инсинжинслардан ва ёвуз руҳлардан пок бўлсин деб исириқ тутатилади.

Дастлабки қўшни қишлоқнинг энг хурматли, серфарзанд ва кўп невара-чеварали мўйсафидларидан бири солади. Оқсоқол қўш билан кучи етгунча ё бир марта, ё уч, ё беш марта, умуман ток марта ҳайдайди, кейин ўтган йилги ҳосилнинг охири тутишидан олинган бўғдойдан иримига ҳайдалган ерга бир неча ҳовуч сепади. Мазкур маросимдан сўнг барча дехқонлар ҳўқизларини етаклаб уйга кайтганлар ва оиласвий доирада байрам хурсандчилигини ўйда давом қилгандар. Бой хонадонлар қўш чиқариш арафасидаги зиёфатлар беришиб дехқон рисоласини ва бошқа китобларни ўқишган.

Ёшлар илм ўрганиш учун кенг имкониятлар яратганинг нишонасидир. Илм олиш, изланиш барчамизни она Ватанимизни севишга, уни ардоқлашга ва чуқур мuloҳаза қилишга чакиради. 2010-йил Президентимиз И. А. Каримов томонидан "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши биз талаба ёшлар руҳини янада кўтарди. Биз Юртошимиизнинг, бундай одилона, доно кўрсатмаларини кўллаб-қувватлаб ҳолда, ўзимизнинг аъло ўқишимиз, изланишимиз, ютукларга эришишимиз билан курдатли Ватанимизга хизмат қилишимиз зарур.

Ҳар бир инсон учун ўз ота-онаси, устозлари, ҳалқи, қадрдан юртингларни раҳбари комиллик тимсоли ҳисобланади. Шунинг учун бизнинг ҳар биримиз ўзиб боришига сабаб бўлади. Талаба ўз устида ишлаб, илмий, адабий китобларни йиғишига ва ўқишига иштиёқи баланд бўлиши зарур. Китобларни кўз қорачигидек асрар авайлаши билан бу манбалар авлоддан-авлодга ўтиб хизмат қилишига сабаб бўлади, улар дунёнинг бойликлари-южавохирлариданда қимматлироқдир.

Талаба ёшлиқ даври ўтиб кетмай туриб уни фанимат билсин. Чунки зеҳни ўткир, ташвишсиз вақтда олинган илм тошга ўйилган нақш кабидир.

Эй талаба ёшлиқ чоғинг фанимат бил, Илм олиш ўта қийин, сабрли бўл.

Мустақиллик барчамизга илм масканлари эшикларини кенг очиб қўйди, қандай билим ва соҳаларни эгаллашни хоҳласак ўрганиш учун имкониятлар мавжуд. Бу эса Юртошимиизнинг биз

Биз келажаги буюк давлат, эркин Фуқаролик жамияти барпо этар эканмиз, бундай жамиятнинг ўсиб келаётан ёшлари ҳар томонлама билимдон, комил-инсонлар бўлмоғи зарурдир. Баркамол авлодлар яшайдиган мамлакатгина тинчлик-тотувлик, ҳамжиҳатлик, адолатпарварлик асосида яшайди.

Илм олиш, изланиш, ўқиш ҳар биримизни комиллик сари етаклайди.

**Нафиса МАМАТҚУЛОВА,
Биология ва ҳаётӣ фаолият
хавфсизлиги йўналиши
талабаси.**

ЎЗ КУЧИНГА ИШОН

Хозирги замон бу – шафқатсиз рақобат дегани. Факат ҳақиқий, профессионал кишигина рақобатга бардош бера олади. Ҳар бир киши ўз соҳасида юқори марраларга эришиши хоҳлаши табиий. Ҳоҳишнинг ўзи ҳам узоқ ва салмокли йўл сари қўйилган биринчи қадам хисобланади. Сизга ўз соҳангизда мұваффақиятга эришишингиз учун нималар ҳалал беринини бир ўйлаб кўринг.

Мұваффақиятга эришиш учун ҳалакит берадиган вазиятлар.

1. Ўз кучига ишончаслик.

2. Биринчи мұваффақиятсизликдан оқумидисизликка тушиб, қўли ишга бормай қолиш:

3. Атрофдагиларнинг таъсирига тушиб қолиш.

Бирор соҳа бўйича юқори чўққиларни

эгалламоқчи бўлсангиз, танлаган соҳангизга доир адабиётларни кўпроқ ўқишингиз, мутахассислар тажрибасини ўрганишингиз керак. Албатта, мұваффақият ва сиз кутган омад бирданига келмайди унинг учун сизда энг муҳими билим ва сабро-тоқат бўлиши керак. Борди-ю сиз ҳаммасини ўз вактида бажарсангиз ва унинг натижаси бўлавермаса ҳеч қачон умидсизликка тушиб, ундан воз кечманг. Билингки ишончсизлик, умидсизлик ва сабрсизлик сизнинг энг катта душманингиздир. Сиз ўз орзуингиз сари илк қадами кўйдингиз, бунда албатта, одамлар билан муносабатда табассум қилишини ҳам унутманг. Интилганга төре ёр, албатта.

Ботир САФАРОВ,
Педагогика-психология йўналиши
талабаси.

ТАЛАБА ҚИЗЛАР ВА СПОРТ

Келажак – ёшлар қўлида. Мұхтарам Президентимизнинг бу сўзлари бежиз эмас. Албатта, ҳар бир давлат келажаги ўз ёшлари қўлидадир. Ҳўш шундай экан, биз ёшлар бундай масъулиятни қалбан ҳис эта оляпмизми? Юртбошимиз ишончини оқлаб, юртимиз ривожига хисса қўшиб, унга муносиб фарзанд, етук ва баркамол шахс бўлишимиз учун нималар қилишимиз керак?

Энг аввало ҳар биримиз ҳар соҳада илғорлик кўрсатиб, юртимизни дунёга танитишида, ўз хиссамизни қўшайлик. Шу жумладан хурматли Юртбошимизнинг яна бир фикрлари – “Ҳеч нарса давлатни дунёга спортчалик тез танита олмайди” деганлари айни ҳақиқат. Шундай экан, ёшлар бўш вақтларини бекор ўтказмасдан турли спорт турлари билан шугулланиши зарур.

Айниқса хотин-қизлар ўртасида спортни кенгрок тарғиб этиб, уларни спорт билан шугулланишлари баркамол авлод тарбиясининг асосий омили саналади.

Тўғри, уларнинг ҳар бири чемпион бўлиб дунёга танилмас, лекин sogлом турмуш тарзини ташкил этиш учун спорт билан шугулланишлари шарт. Нимага айнан хотин-қизлар деган савол туғулиши мумкин. Чунки улар бўлажак оналардир. Соғлом онадан sogлом фарзандлар дунёга келади. Зеро фарзандлари соглом юрт – қудратли бўлур.

Мъалумотларга кўра юртимиз ахолисининг 64 фойзини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этиб, уларнинг кўп қисми хотин-қизлардан

иборат. Ушбу ўшдагиларнинг кўпчилиги турли ойлик ўкув юртларида таҳсил оладиган талаба қизлар саналади. Ана шу талаба қизларнинг 3 мингдан ортиғи институтимизда таҳсил олади.

Афуски, институтимиз талаба қизларининг спорт кўрсаткчилари юқори эмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Уларнинг кўп қисми спорт турлари билан шугулланмайдилар. Ҳўш бунга сабаб нима? Бу борода институт талаба қизлари билан ўтказилган сўровларга кўра кўпчилик спорт билан шугулланиш шарт эмас ёки бунинг учун шароит йўқ деган турли фикрлари биладилар.

Аслида шароит йўқ дейиш мутлақо нотўғри. Чунки талабаларни спорт билан шугулланишлари учун институтимизда деярли барча шароитлар мавжуд. Масалан, замонавий жиҳозлар билан таъминланган 2 та спорт зали, кенг стадион ва ўйлаклар, ёзги очиқ бассейн мавжуд. Буларнинг ҳаммаси талабалар ихтиёрида.

Шунингдек, институтимизда спорт турлари бўйича етакчи, тажхили мураббийлар фаoliyat кўрсатади. Шундай экан, талаба қизларни биз учун яратилган шароитдан унумли фойдаланиб оммавий равиша жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга чорлайман.

Зарнигор СУЯРОВА,
Жисмоний тарбия ва жисмоний
маданият факультети талабаси.

РОҒУН ГЭСИ АКЦИЯЛАРИ СОТУВДА

«Миллат ифтихори ва қудрати рамзи...»

Роғун ГЭСи акцияларининг савдосига доир тарғибот тажикистондагина эмас, балки мінтақада ҳам авваллари мисли кўрилмаган бир амалдир. Тажикистон ҳукумати буғун иншоот акцияларини сотишни бошлаган. Қиймати 100, 500, 1000 ва 5000 сомонийга тенг бўлган акцияларни факат Тажикистон фуқаролари сотиб олишлари мумкин.

Президент Имомали Раҳмон миллатга қилган мурожаатида Роғун ГЭСини дастаклаш лозимлигини таъқидлаб «Бу иншоот электр энергия манбаигина эмас, балки мамлакат фахри ҳамда қудратини намойиш этади» деб айтган.

Тажикистон ҳукуматидагилар акцияларни сотиб олиш ихтиёрий эканлигини уқтиришса ҳам, айрим кузатувчилар шўроначасига «режабозлик» бошланиб кетиши ва маҳаллий мулозимлар ўз минтақаларида «хисса ўлпонлари» жорий этишидан хавотирда эканини билдиришмоқда.

Президентнинг сўзларига кўра, Роғун иншоотининг биринчи қисми қурилиши учун 700 миллион АҚШ доллари керак бўлади.

Имомали Раҳмон жанобларининг ишонишича, агар камбағал оиласардан ташқари, мамлакатдаги барча ўрта хол ва яхши умргузаронлик қилаётган оиласар акциялар сотиб олиш учун етти юз миллион доллар атрофида маблағ сарф қилса кўзланган мақсадда эришиш мумкин.

Тажикистонда буғун ўртacha иш ҳақи етмиш доллар атрофида, аммо шунча ойлик берадиган корхоналар баром билан санаюли... Халқаро ташкилотлар берган мъалумотларга қараганда, мамлакатнинг қарий ярим ахолиси қашшоқлилар даражасидан ҳам пастрок даражада ҳаёт кечиради.

Тажикистон сўнгги беш-олти йил ичida деярли ҳар қиши йирик энергетик инкороз билан юзма-юз келади. Корхоналар ишдан тўхтайди. Электр энергиясига кескин чекловлар ўрнатилиди. Айрим

минтақалarda қиши бўйи электр энергияси таъминотида узилиш бўлади. Қиши ҳаҳратонида газ ва электр энергияси учун Ўзбекистонга том маънода қарамай ҳолатида қолиб келаётган Тажикистон сўнгги бир неча йил ичida жон-жаҳди билан энергия мустақиллигига эришиш учун харакат қилмоқда.

Яқинда Тажикистоннинг шимоли ва жанубини бир-бирига боғлаган ягона энергетика тармоғи ишга туширилганди. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг Ягона Энергетика тизимидан чиқишини эълон қилар экан, Тажикистонда энергия инкорози яна ҳам чукурлашиши борасида хавотирлар урчили. Айни тизим Ўзбекистон жануби-Сурхондарё вилоятини Тажикистон электр энергияси билан, Тажикистон шимоли Сўғд вилоятини Ўзбекистон электр қуввати билан таъминлаш имконини берувчи тизимдир.

Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида бўлгани каби Тажикистонда ҳам пораҳурлик чуқур илдиз отган. Роғун ГЭСи акцияларининг савдога чиқарилиши билан «чироқлар ўчмайдиган бўлишига», ҳукумат тарғиботига қарамай, кўплаш тажикистонликлар катта умид ҳам қилишмайди. Ўзбекистон эса ушбу ГЭСини қурилиши Марказий Осиёда сув тақиғлигини юзага келтириши мумкинлигини даъво қилади.

(«Интернет» хабарларидан).

БОЙЧЕЧАК - БАҲОРНИНГ ЭЛЧИСИ



Бойчечаклар асосан адирларда ва тоғ этакларида бўз тупроқда ўсади. Айтишларича бойчечакнинг хосияти катта экан. Бойчечакни биринчи марта кўриб уни кўлга олган момоларимиз, боболаримиз “омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги шу кунларга эсон-омон етайдил” деб ният қиладилар.

Бундан ташкири бойчечак шифобахшлиги билан ҳам ажралиб турди. Бойчечак гулини олиб, уни идишга қайнаган сувда димлаб, ичилса, ички органларни зарарли моддалардан тозалар экан. Ҳаммага маълумки, баҳор келиши билан аёлларимиз, қизларимиз ўзгача гўзлалашади. Гўзлар аёлларимизга керакли маслаҳатимиз, бойчечак гулидан тайёрланган никоблар юз терисини озиқлантириб, ундиаги ажинларни йўқотар экан.

Бойчечак баҳорнинг биринчи элчиларидан хисобланганлиги туфайли у жуда қадрланади. Бу гул ҳақида қадимдан ҳар хил лапар, кўшиклар тўкилган.

Майсаларга инимсан дегин,
Бойчечакка гулимсан дегин,
Такрор-такрор бахтинг тилайвер,
Баҳор берар кутган баҳтни.

Баҳор қалбларимизга чексиз қувонч, эзгуликлар олиб келсин. Оллоҳнинг каромати билан яратилган бу гуллар ҳаётимизга қувонч олиб келсин.

Алишер САФАРОВ,
биология ва ҳаётӣ фаолият
хавфсизлиги йўналиши талабаси.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ – МАЪНАВИЙ ҲАЗИНА

БАРС ЙИЛИ – БОЙЛИК...

Бу – мучал йиллари билан боғлик бўлган мақоллардан бири. “Барс йилида боринг соч, ҳеч бўлмаса тариқ соч”, “Сигир йили – тўклиқ, қўй йили-йўклиқ”; “Ит йилида молинг ўсар”; “Сичон йили тўклиқлилар, қўй йили тўклиқлик”; “Қуён йилида ют бўлади” ва шу каби мақоллар ҳам мучал йилларининг яхши ё мөнн ҳусусиятларини ифода этади. Бу ўринда шуни айтиш керакки, мучал ҳисоби миоддан аввали VI асрдан маълумдир... Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, мучал ҳисоби дастлаб Юнон – Бақтрия подшолиги давридаги халқлар томонидан яратилган, кейинчалик бу удум Муғалистон, Хитой, Япония, Хиндистон, Миср, Ироқ, Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёга тарқалган. Қишилар туғилиш, ўлиш, буюк воқеалар ва бошқаларни ўн икки ҳайвоннинг номи билан атаб, ҳар ўн икки йилда янгидан тақрорланадиган йил ҳисобини юритиш системаси – мучал асосида “йил ағдариб” ҳисоблаганлар. Янги мучал ҳили ҳар йилнинг 22 марта кунидан бошланади. Мучал йилларининг ҳар қайси тўғрисида турли халқлар турлича тасаввурга эга эдилар. Бир халқнинг у ёки бу йил тўғрисидаги тасаввурни бир-бирига мос ҳам келарди ва аксинча, бутунлай қарама-қарши ҳам бўларди. Қишилар муйян йилни кутили ё

кутили ё. Бу ҳисусда Махмуд Кошгари ўзининг машҳур “Девону луготит турк” асарида шундай ёзади: “Турклар бу йилларнинг ҳар қайсисида бир ҳикмат бор деб таҳминлайдилар: масалан, уларча сигир йили бўлса уруш кўй бўлади, чунки сигир бир-бири билан сузишадиган ҳайвон, Товуқ кирса, озиқовқат кўпаяди, лекин одамларда ташвиш ортади. Чунки товуқнинг овқати дон бўлиб, уни топиб ейиш учун нарсаларни титиб юради. Тимсоҳ йили кирса, ёғингарчилик ва ҳосил кўп бўлади, чунки у сувда яшайди. Тўнғиз йили кирса, совуқ, қор ва фитна кўп бўлади. Шунга ўхшаш, ҳар йилга бирор таҳмин юритадилар”.

Турли халқларнинг, жумладан ўзбек халқининг мучал йиллари тўғрисидаги тасаввурлари юкоридаги сингари мақолларда ўз аксини топган.

МИРЗО УЛУФБЕК ТУФИЛГАН КУНГА 616 ЙИЛ ТЎЛДИ

ЮЛДУЗЛАР ҲУКМДОРИ



Улуфбекга пойтахти Самарқанд бўлган Мовароунахра ҳукмдорлик қилиш наисбет этиди. Илм фидоиси бўлган Улуфбек ҳукмдорлик даврида имл аҳларини ўз атрофига йириб, кўпроқ маданий ва имлий муассасалар куриш билан шугулланди. Бухорода, Фиждуонда, Самарқандада катта-катта мадрасалар курдириб им-фанинг ривожланшига ўз даврида жуда катта хисса қўшиди.

1424-1428 йилларда Самарқанднинг шимоли тарафдаги Обираҳмат ариғининг бўйида Кухак тепалигига ўз даврида энг такомиллашган асбоблари билан ҳизозланган расадона курилишида бош кўш бўлди. Бу расадона фаолиятига кейинчалик ўзи раҳбарлик килди.

Самарқанд расадонасида эришилган имлий тадқиқларнинг энг йириги, ҳозирча ўз имлий кийматини йўқотмаган юлдузлар ва сайёлалар ҳаракатига бағишиланган. Бу асарда 1019 та юлдузларнинг вазияти аниқ кўрсатилади. Ана шу жадваллар ҳозирги замон астрономик асбоблари ёрдамида текширганда

ТАЛАБАЛАР МУШОИРАСИ

ЎЗЛИК

Бўй чўзибди самога қадар,
Юксалиб –юксалиб фаввора.
Ўсмоқликка имкон етмаса,
Томчи-томчи йиглаб оввора.
Кизик,
Самога етмоқлик нимага даркор?
Тўлқин бўлиб учмоқлик эмасми шойист?
Ирмоқ бўлиб оққин,
Дарё бўлиб кез,
Уммон бўлиб яша осоийш.

ЗАМОНАМИЗНИНГ “БАЪЗИ” ҚИЗЛАРИГА

Билмам қайси замон қизларидир бу,
Ўзлари бир жаҳон-у сўзлари осмон.
Кўрган ёш ҳам қари айтади: “зўр-ку!”,
Дейишар: қай томон кетмоқда замон?
Каттага ҳурмат-у кичикка иззат,
Қани энди, улар бўлдими эртак.
Ота-она, устозга бўлган мухаббат,
Ёки ҳеч бўлмаса шунчаки ҳурмат.
Ўзгана жилода акс этиб ифрат,
Сиздаги ҳаёдан қолмабди андак.
Бўлибсиз маҳлиё кўп ўзингизга,
Лекин қарамабсиз бир атрофингизга.
Бор эди-ку ҳаё ўзбек руҳида,
Ота-она олдида, устоз олдида.
Калта юбка ёки ярим тор кўйлак,
Сизга мос турибди назарингизда.
Балки коронғудир сизга ҳижолат,
Уят бўлиб қолгандир шунчаки ҳолат.
Ўйин-кулгу, базм, кейин майшат,
Сизга шудир ҳаётда маъно моҳият.
Инсонда қачонки йўқолса мақсад,
Ўзини ҳар кўйга солар шу тақлид.
Аммо агар бўлса инсоф дійнат,
Ўнглаб олар бўлмай ҳаётда сарқит.
Фақат биттагина маслаҳат сизга,
Олиш ва олмаслик вижденингизга.
Кимман ва нима эди менинг мақсадим-
Дея савол беринг бир ўзингизга.
Барно ЖУМАЕВА,
Инглиз тили ва адабиёти ўналиши
талабаси.

Ер меҳр-ла бағрига олса,
Қайнаб юрсанг эрка ҳаётда
Мехнатдан қалб завкларга тўлса,
Ўтган шавқли умр барчаси ёдда.

Ўйнаб-кулиб оқмоқлик чин баҳтку!
Яна нима керак сенга-фаввора?
Қалбимга сен мудом солиб хавотир,
Ўзингни йиглатиб қилма оввора?

Сабоҳат ЙўЛДОШЕВА,
Ўзбек тили ва адабиёти ўналиши
талабаси.

БЕШ КУНЛИК ДУНЁ

Ғанимат дунёда бойлик талашма,
Йикилишинг билсанг, асло курашма,
Умр саҳросида иззис адашма,
Инсондан қолади беш кунлик дунё.

Кун санаб ўтказиб йигасан бойлик,
Кўринимас бу дунё усиз чиройлик,
Охирада ярамас, бор шунчак бойлик,
Барibir қолади беш кунлик дунё.

Кўшнингла талашиб бир қарич ерни,
Очасан ул ҳақда эшигтан сирни,
Охири беради, тенг қилиб гўрни,
Ортингдан қолади беш кунлик дунё.

Ўзбекда ҳар доим “фарзандим” дейди,
Унинг келажагин фамини ейди,
Вақт келиб фарзандинг «фарзандим» дейди,
Сендан ҳам қолади беш кунлик дунё.

Бу кенг дунё, кўзингга тордир,
Унда кўплаб душманинг бордир,
Эй нодон! Сен дўйстлар ҳам орттири,
Яхши излар қолсин беш кунлик дунё.

Аслида бу дунё дейди тарози,
Оғир енглига худойим қози,
Мен сендан, сен мендан бўлайлик рози,
Хаммамидан қолади беш кунлик дунё.

Малоҳат ЛАПАСОВА,
Ўзбек тили ва адабиёти ўналиши
талабаси.

ТАЛАБАЛАР УЧУН ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР

— Тарихдаги энг ёш талаба деб Уильям Томсон (1824-1907) эътироф этилади. Лорд Келвин сифатида танилган ушбу инглиз физик олими 1834 йилда Шотландиядаги Глазго университетига қабул килингандан 10 ёшга тўлганди.

— Социологларнинг таъкидлашича олий ўкув юртлари битирувчилари ҳар йили 5 фоиз билимларини, 15 йилдан сўнг 75 фоиз билимларини ўқотар экан.

— Лоҳаҳ шахрида таваллуд топган Карл Витте 1814 йил 13 апрелда Германиядаги Гессон университетининг фалсафа фанлари доктори дарражасига кўтарилиганида ўн иккига кирганди.

— Энг ёш университет профессори Колин Маклорин (1698-1746) бўлган. У 1717 йил 30 сентябр куни Абердин илмгоҳининг математика профессори этиб сайланганида 19 ёшга кирганди.

— Улуғ инглиз олими Исаак Ньютон Кембридж университетининг профессори этиб тайинланганида 26 ёшли йигит эди.

— Дунёга машҳур Кембридж университетида математикадан паст балл тўплаган талабага ёғоч қошиқ берилар экан.

— Математик олим ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, физика-математика фанлари доктори, профессор Саримсоков Тошмуҳаммад Алиевич (1915-1995) Ўзбекистон фанлар Академияси вице-президенти этиб тайинланганида 28 ёшда эди.

— Буюк Британиялик Дэвис Рис Дэйвис (1835-1928) муаллимлик касбини малака оширувчи талаба сифатида бошлаб, мактаб директори даражасига кўтарилиганди. У 76 йил давомида ўқитувчилик қилган дунёдаги ягона шахсdir.

— Бундан минг йил мўқаддам одамзод тарихидаги илк академиясидан бўлмиш Мамъун академияси Хоразм заминида ташкил топган.

— Марокаш давлатининг Ферс шахрида жойлашган Карабин университетига 859 йилда асос солинган. Бў ҳозир мавжуд бўлган илмгоҳларнинг энг қадимиysi.

— Мажбурий ўрта таълим илк маротаба 1819 йилда Пруссияда жорий қилинган.

Тўпловчи: Фарида ТОШПУЛАТОВА.

ZIYO CHASHMASI

МУАССИС:

Абдулла Кодирий номидаги
Жиззах Давлат педагогика
институти

Редакцияга келган хатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят
нукти назаридан фарқланиши
мумкин.

Бош мухаррир: Абдукарим ШАРИПОВ

Газета Жиззах вилоят Матбуот ва ахборот
бошқармасида 2006 йил 26 декабрда
06-017 рақами билан рўйхатга олинган.

Босишига топширилган
вакти — 19.00 Топширилди — 18.00
Навбатчи: М. Абдуллаев

РАНГТАСВИР ФИДОИЙЛАРИ

Ўзбекистон ҳалқ рассоми Чингиз Аҳмаров
таваллудининг 98 йиллигига

Юнус Ражабий номли Жиззах мусиқали
драма театрига борганингизда театр
фөсеси деворларига чизилган гўзал
санъат асарларини томоша қиласиз-у,
спектакл бошлангач ичкарига ошиқасиз.
Суратлар эсингиздан чиқади. Бир ўйлаб
кўринг, бу суратлар ким томонидан
ишланган, нима учун бу фоега кўйилган?
Ха, топдингиз! Бу санъатшунос олим,
профессор, серкірра ижодор ва маҳо-
батли рангтасвир устаси Чингиз Аҳмаров
ижодига мансуб асарлар намунаси, яни
А. Навоийнинг “Саъбаи Сайёр” достонига
ишланган “Етти гўзal” сурати.

Бу суратлар нусхаси театр биносига
ўзгача гўзаллик, узгача шукух бағишилаб
турибди. Суратлар етти гўзал орқали
миллийлиги, кўзларидаги шарқона ибо,
масъумлик ва ўзбек аёлларига хос бўлган
латофатнинг намунаси сифатида намоён
бўлган. Миллий либос, тақинчок, тилла-
кошу-мунҷоқлар ҳар бир суратнинг, сур-
атдаги гўзалнинг ўзига ишлангандек гўё.
Театр ҳар бир ҳалқнинг урф-одатлари,
миллийлигининг ёрқин намунаси бўлган
тарбия ўчиги. Рассом асари бу жиҳати
били билан бўйга айнан мос тушгандек.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН

ЎЛЧОВЛАР ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

ҚАДАМ, ОДИМ сўзлари асосий узунлик
ўлчовларидан бўлиб, улардан қадам араб
тилига, одим эса туркий тилларга хос.
Одатда, бир қадам аршинга, 12000 қадам
бўлса бир тош (бир фар-
санг)га тенг деб хисобланган. Туркий тиллардан
ташқари, қадам (қадам, гадам) сўзи Миср, Судан,
Туркия, Афғонистон каби мамлакатларда кенг тар-
қалган. Шуниси қизики, келиб чишик жиҳатдан рус
тилидаги “шаг” (қадам) сўзига алоқадор “сажен”

(213 см га баравар узунлик ўлчови) сўзи
тилимизда саржин тарзида ўзлашган
бўлиб, узунлик ўлчовидан ташқари
хажмини (масалан, ер сатхини, аррапаб
ёрилган ўтин хажмини) ҳам билдиради.
Баъзи бир шарқ мамлакатларидан иш-
латилган ўлчовларни кийматлари куйидагича олингандир. Масалан:
1 марҳала 25 – 30 км.
1 сатҳ – майдон ўлчови 10мХ10м=кв м.
1 қарич – биш бармоқ билан жимжи-
локнинг бармоқ ёйилмасига тенг (19 –
20 см).

1 энлик – бир бармоқ энига тенг (18 –
20мм) ёки 1 энлик – 6 дона арпа дона-
сининг бўйламасига тенг.
1 фарсах (фарсанг) мософа ўлчови 6 км
га тенг.
1 йиғоч узунлик ўлчови 5985 м, баъзи
жойларда 8 – 9 км га тенг.

1 исбот (бармоқ) 2 – 2,5 см га тенг.
1 тутам (Ўрта Осиёда) 9 см: арқон ёки
таёкли ушлаган кўл тўртта бармоғининг
кенглигига мос тарзида танланган узунлик
биригли.
1 чакирим – 1006 м га тенг.
1 газ – 0,71 м га тенг узунлик ўлчови
биригли.

1 қачирим – 1006 м га тенг.
1 газ – 0,71 м га тенг узунлик ўлчови
биригли.

ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР, АСПИРАНТЛАР, МАГИСТРЛАР, ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЧИЛАР ВА БАКАЛАВРЛАР

Жиззах Давлат педагогика институти
муассислигига «Жиззах Давлат педагогика
институти ахборотномаси» номли илмий,
илмий-услубий журнал чоп этилиши муносабати
били мақолаларнингизни таҳририятга топши-
ришингиз сўралади.

Чингиз Аҳмаров ижодига бундай
асарлар жуда кўўн. Тошкентдаги А. Навоий
номли академик театр фөсеси девор-
ларига, А. Навоий номидаги Адабиёт
музейи залларига, Тошкентдаги Абу
Райхон Беруний номли Шарқшунослик
институти фойесига ишланган деворий
суратлар буюк қалб соҳиби Ўзбекистон
Ҳалқ рассоми Чингиз Аҳмаров қаламига
mansub асарлардир.

Рассом асарларида кўпроқ Шарқ шев-
риятида кўйланган гўзаллар тимсоли гав-
даланади. Бу асарлар миллийлигимизни
ёрқин рангларда бетакор ва гўзал ифо-
далаб, кўз олдингизда илоҳий гўзаллик
намоён этади. Бу гўзалликлардан баҳра-
манд бўламан десангиз, Чингиз Аҳмаров
асарларида унинг ижоди билан танишинг.
Булар биз ёш авлодга олтин мерос.
Чингиз Аҳмаров номи санъатимиз тари-
хидан алоҳида ҳурмат билан ўчмас ўрин
қолдирган.

**Феруз ОЧИЛОВ,
Эльмира ОЧИЛОВА,
Тасвирий санъат ва мұхандислик
графикаси ўналиши талабалари.**

1 пахса – 60 см га тенг.

АРШИН сўзи форс тилидаги “араш”,
“орон” сўзларидан келиб чиқсан бўлиб
туркий тиллардан рус тилига ўтган.

Аршин турли шаклларда
украин, беларус, поляк,
чех, балгар, серб – хорват
тилларида ҳам учрайди, 1
аршин – бир қадамга тенг.

ГАЗ “Эни олти, бўйи
чукурлиги” беш газдан ўн
беш газгача қазиладиган
арикнинг узунлиги ўттиз
чақирим эди” (А. Коди-
рий). Бу мисолда газ сўзи

ни ёзувчи тахминан 88 см га баравар
узунлик ўлчови сифатида ишлатган.
Кўкрак ўтасидан бармоқ учигача бўлган
оралик бир газ хисобланган. Бу ўлчов
биригли Ўзбекистоннинг ўзида ҳар қайси
шахар ёки қишлоқда турлича узунлиқда
ишлатилган. Газ Ўрта Осиё, Кавказ,
Қозоғистон ҳамда Афғонистон, Эрон,
Покистон, Ҳиндистон каби мамлакатларда
тарқалган.

ТАНОБ. Экин майдонларини ўлчашда
кўлланиладиган юза ўлчов биригли. Ўрта
Осиёда кенг кўлланилган томонларнинг
узунлиги 60 газдан иборат бўлган